O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI
OLTINKO'L TUMANI
HOKIMINING
QA'RORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

Oltinko'l q.

Олтинкўл қ.

"12" 03 2020 йил

№ 137-18

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги **54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, туман ички ишлар бўлимининг 2020 йил 09 февралдаги 34/6-338 сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги Қонунининг 6,29-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1.Олтинкўл тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухининг 2020 йил 09 февралрдаги **"Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнингтиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги хати маълумот учун қабул қилинсин.

2.Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг транспорт воситаларини қайд қилиш, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш, туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи (У.Азимов)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январь кунги **54-сонли** қарорига асосан тасдиқланган **"Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларига амал қилиш юклатилсин.

3.Техник кўригини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Қарор матини тумандаги **"Олтинкўл"** рўзномаси саҳифасида чоп этилсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5.Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ҳокимнинг 2019 йил 01 январь кунги **35-Қ** сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан кучга киритилсин.

7.Ушбу қарорнинг бажаралишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Ўринбоев**

Туман хокимининг 2020 йил "12" 03 кунги 137-К сонли қарорига 1-илова

Тумандаги ташкилот, корхона ва муассасалардаги автотранспорт воситалари, трактор ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича тузилган комиссия

Т А Р К И Б И

1	У.Азимов	-	Туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори лейтенант, комиссия раиси
2	А.Каримов	-	Автомотохаваскорлар жамияти туман кенгаши раиси, комиссия раҳбарининг ўринбосари
А Ъ З О Л А Р И			
3	А.Муллабев	-	Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
4	М.Қодиров	-	Прократура ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги инспекцияси бошлиғи
5	И.Холматов	-	Туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлими бошлиги

Олтинкўл туман ҳокимлиги бош мутахассиси **А.Маматқодиров**

Туман хокимининг 2020 йил "12" 03 кунги 137-К сонли қарорига 2-илова

Тумандаги ташкилот, корхона ва муассасаларга автотранспорт воситалари, трактор ва уларнинг тиркамаларини 2020 йил мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ташкилот ва муассасалар номи	Мажбурий техник кўрик ўтказиш кунлари
1	Водий газ таъминоти туман филиали	01.03.2020
2	МКТ Ватанпарвар	05.03.2020
3	Ободонлаштириш туман бўлими	11.03.2020
4	Туман хокимлиги	16.03.2020
5	Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	20.03.2020
6	Олтинкўл 163 автокорхона	25.03.2020
7	Тумандаги банклар	30.03.2020
8	Тумандаги касб-хунар коллежлари	05.04.2020
9	Туман халқ таълими бўлими	10.04.2020
10	Туман мактабгача таълим бўлими	15.04.2020
11	Олтинкўл қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими	20.04.2020
12	Тумандаги агротехсервислар	25.04.2020
13	Қишлоқ хўжаликкимё	30.04.2020
14	Туман СЭОМ	04.05.2020
15	Тиббиёт бирлашмаси	10.05.2020
16	Туман СИЧ ОАЖ	15.05.2020
17	Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий мухофаза қилиш	25.05.2020
18	Туман молия бўлими	31.05.2020
19	Тумандаги фермер хўжаликлари	05.06.2020
20	Тумандаги мавжуд МЧЖлар	10.06.2020 дан 19.06.2020 гача
21	Тумандаги мавжуд хусусий корхоналар	20.06.2020 дан 26.06.2020 гача
22	Бошқалар	27.06.2020 дан 30.06.2020 гача

Олтинкўл туман ҳокимлиги бош мутахассиси **А.Маматқодиров**